

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ РИВОЖЛАНИШИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7504052>



Акаева Марапат Абдухоликовна

НамДУ юридик факультет доценти



ELSEVIER



Received: 03-01-2023

Accepted: 04-01-2023

Published: 22-01-2023

**Abstract:** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сўнгти йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига чиқишига омил ҳисобланмоқда. Маколада Президентнинг миллий ривожланишимиздаги олиб бораётган фаолияти, хусусан, 2022 йил 20декабрдаги Мамлакаат парламенти ва халқига мурожаатида миллий ривожланиш бўйича йўл-йўриклари тахлил этилган

**Keywords:** Ўзбекистон, Олий Мажлис, халқ, Мурожаат, ютуқ, эътироф, миллий ривожланиш, давлат, сиёsat, бошқарув, демократия, дунё, иқтисод, маънавият, ижтимоий, техник соҳа, маъмурӣ ислоҳот.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Жонажон Ўзбекистонимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бермоқда<sup>16</sup>. Президентимизнинг 2022 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига Мурожаатида бошланган ушбу сўзлар ўзбек халқининг сўнги йиллардаги эришган улкан ютуқларини яна бир бор эътирофи ҳисобланади.

Агар эътибор қаратадиган бўлсак, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий, техник соҳаларнинг барчасида мамлакатимиз жаҳон рейтингининг муносиб ижобий ўринларини эгаллаб келмоқда. Бу ўзбек миллий ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари десак муболага бўлмайди.

Давлат сиёсатида бошқарув демократик жиҳатдан дунёнинг ривожланган давлатлари каби кенгашга таяниб иш олиб бормоқда. Ҳалқимиз давлат бошқарувига ўзи муносиб деб топган номзодларга овоз бериш орқали раҳбарларни сайламоқда. Эндиликда махаллий бошқарувда ҳам раҳбарлар халқ ёки уларнинг вакиллари танловига қўра сайланади.

Президентимиз томонидан жорий йилдаги Мурожаатномада, - “Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни қўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Ҳалқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди”,-деб бежиз таъкидланмади. Чунки,

<sup>16</sup> Мирзиёев Ш. Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома. Тошкент., 2022 йил 20 декабрь

Президент, янги маъмурӣ ислоҳотлар тӯғрисидаги Фармон<sup>17</sup>ни имзолади. Мамлакатимизда ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимиға ўтишни таклиф қилинди. Биринчи босқичда вазирликлар ислоҳ қилинди, Ҳукумат иш услуби-ҳам тубдан ўзгарди. Энг аввало, вазирлик ва идоралар сони ҳозирги 61 тадан 28 тага камайтирилди.

Мамлакат раҳбари, “Имом Мотуридий бобомизнинг: «Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи ҳалқ хамиша сен билан бирга бўлгай», деган ҳаётий ҳикмати ҳар бир вазир, ҳар қайси раҳбарнинг онги, қалби ва харакатида муҳрланиши лозим” дея таъкидлашлари асосида, давлат сиёсатида улкан ислоҳотлар кутилмоқда.

Иқтисодий соҳада мулк даҳлсизлиги белгиланган ва қонун билан ҳимоя қилинмоқда. Президентимиз ҳалқ билан бўладиган ҳар бир мулоқатида мулк даҳлсизлиги ва уни ишончли ҳимоясини таъминлаш борасида йўл-йўриқлар бериб бормоқда. Давлат раҳбарининг таъкидига кўра, - Ўзбекистонда мулк ва инвестициянинг ҳимоячиси қайсиdir ҳоким ёки вазир эмас, фақат Конституция, қонун ва суд бўлади.

Ижтимоий соҳада, ҳалқимизнинг миллий маънавий анъаналарига асосан, ижтимоий ҳимояни амалга оширилмоқда. Бу борада тарихимида илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар микдорини минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилганлиги оиласида ёрдам беришда статистик даражага юқорилаганлиги маълумотларда кўрсатилди. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оиласида кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 трилион сўмга етганлиги айтилди.

2022 йил 381 нафар спортчимиз жаҳон ва Осиё мусобақаларида, 43 нафар иқтидорли ва билимдон ёшлиаримиз нуфузли ҳалқаро фан олимпиадалари ҳамда танловларида совринли ўринларни қўлга киритгани барчамизни албатта қувонтиради.

Нуроний отахон ва онахонларимиз оила даврасида, ҳаж ва умра зиёратларида шукроналик дуоларини қилаётгани бизга куч ва ғайрат бағишламоқда.

Миллий ривожланишимизнинг жиҳатларидан бири сифатида ўзбек тилини билиш даражасига эътибор қаратилди. Президент мурожаат қилиш жараёнида, фарзандларимиз хорижийтилни билиши мақсадга мувофиқлиги, лекин она тилини билиши шарт эканлигини алоҳида изоҳлади. Болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларини пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-хунарларга,

<sup>17</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.12.2022 й., 06/22/269/1117-сон

санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз лозимлиги ва ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш зарур<sup>18</sup>лигига катта эътибор берилди.

Чорак асрдан сал ошиқроқ, ғоят мураккаб тарихий даврда мамлакатимиз мустақилликка эришгани, миллий давлатчилигимизни тиклаш ва дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш, ҳаётнинг барча соҳа ва тармоқларини ислоҳ қилиш борасида улкан ютуқларни қўлга киритгани миллий ривожланишнинг дастлабки бочқичи эди. Миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали даврида, турли зиддиятлар авж олган, мамлакатимизда миллатлар ва фуқаролар ўртасида уруш хавфи юзага келиб, иқтисодиёт оғир аҳволга тушиб қолган, мухтасар айтганда, эски тузумнинг умри тугаб, янги замон бошланаётган бир пайтда олиб борилган бошқарув ва давлат сиёсати, том маънодаги тарихий ислоҳотлар Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг кейинги тақдири ва тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган эди.

Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуг ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк Йўлбошчимиз ғоят қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантириди<sup>19</sup>.

Шунингдек, сўнгги йиллардаги демократик электрон хукуматга ўтиши, давлат бошқарувидаги янги маъмурий ислоҳотлар эса миллий ривожланишдаги навбатдаги салмоқли босқич сифатида мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига кўтаради.

Бу борада олиб борилаётган кечкин ўзгаришлар, мамлакатимизни барча соҳаларда юксалтиради

Ўзбекистон деб аталмиш катта ва иноқ оиланинг ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида тинимсиз изланяпмиз,- деди мамлакатимиз раҳбари.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда йўлдан йилга янги ислоҳотларни амалга оширилмоқда, демократик муносабатлар халқимизни сиёсий онги, салоҳияти юксалганлигини кўрсатмоқда. Ахборот технологияси

<sup>18</sup> Мирзиёев Ш. Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома. Тошкент., 2022 йил 20 декабрь

<sup>19</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида. Тошкент шахри 2017 йил 25 январь.

шу даражада юксалмоқдаки, электрон хокимият таомиллашиб, коррупцияга үрин қолдирмаяпти.

Лекин, миллий ривожланишга ҳисса қўшмоқчи бўлган миллатимиз ҳар бир вакили илмли бўлиши, бажариши лозим деб белгилаётган яратувчилик фаолиятида солихлик билан иш юритиши, танқидий фикр юритишни ўзидан бошлиши лозим.

Президентимиз айтганларидек, “Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа этиб белгиладик. Бу сиёсат бир йил билан чекланиб қолмаслиги, доимо бардавом бўлиши барчамизга аён.

Аслида ҳам, бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, бу – бунёдкор ҳалқимиз, дуогӯй ота-оналаримиз, навқирон авлодимиз эмасми?

Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва баҳтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз”.

### ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.12.2022 й.,  
06/22/269/1117-сон

2.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида. Тошкент шахри 2017 йил 25 январь.

3.Мирзиёев Ш. Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома.Тошкент., 2022 йил 20 декабрь

4. Chuboyeva Ozodaxon. The importance of “Kazilik adabi” in Abu Bakr Kasani’s work “ Badoi-us-sanoe” International Scientific Journal ISJ Theoretical& Applied Science Philadelphia, USA issue 01, volume 81 published January 30, 2020

5. Chuboyeva Ozodaxon . Абу Бакр Косоний и его трудов в педагогике. Научный журнал. Учёный XXI ВЕКА.2020 год ISSN 2410-3586 .85-89 .